

ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИНИНГ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ

Улуғбек Нусратулло-уғли Олимов

кичик илмий ходим

Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти

E-mail: largov1900@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Туроннинг энг қадимги даври тарихи Араб давлатларида ўрганилиши тадқиқ қилинади. Унда энг қадимги манбалардан бири бўлмиш Авеста китоби ва зардуштийлик динининг араб давлатларида тадқиқ қилиниши ўрганилади.

Калит сўзлар: Авеста, Зардушт, Турон, Анахита, Салавкийлар, Сарасвати, Сосонийлар.

ABSTRACT

This article examines the study of the history of the earliest period of Turan in Arab countries. It examines one of the oldest sources, the Book of Avesta, and the study of Zoroastrianism in Arab countries.

Keywords: Avesta, Zoroastrianism, Turan, Anahita, Seleucid Empire, Sarasvati, Sasanids.

Қадимги Турон диёрида эрамиздан аввалги 1 мингйилликда Зардуштийлик дини вужудга келади. Бу диннинг китоби “Авеста” эса ўлкамизнинг энг қадимги тарихи ҳақида маълумот берувчи илк ёзма манбалардан бири ҳисобланади.

Шу сабабли, Авеста Туроннинг энг қадимги тарихига оид жуда ҳам қимматли манбадир. Уни ўрганиш, таҳлил қилиш, илмий муомалага киритиш масаласи жуда ҳам долзарбдир. Дунёнинг кўплаб давлатларида Зардуштийлик дини, унинг тарихи ва Авесто китобини таржима қилиш ишлари кенг кўламда олиб борилган. Араб давлатларида ҳам бу мавзуда тадқиқотлар етарли. Бу илмий изланишларни шартли равишда икки қисмга бўлишимиз мумкин:

- 1) Тарихий (илмий) йўналишдаги тадқиқотлар;
- 2) Диний йўналишдаги тадқиқотлар.

Авесто сўзи араб тилида икки хил тарзда ёзилади. Биринчиси “أفستا”, иккинчиси эса “أبستاق” шаклда қўлланилган. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, аксарият араб давлатларида Зардуштийлик дини ва Авесто китоби ҳақида гап

кетганида аввало, Эрон давлати назарда тутилади. Диннинг пайдо бўлиши, унинг тарихи, Авестонинг яратилиши ҳақидага маълумотлар бевосита Эрон давлати билан боғланади.

Дастлаб археологик тадқиқотлардан бошласак, Ироқнинг Васит университети тадқиқотчиси Саад Абуд Самар Зардуштийликнинг сув ва ҳосилдорлик илоҳаси “Анаҳита” ҳақида¹ мақола ёзган. Унда илоҳанинг нега бундай ном билан аталгани, унга ибодат қилиш жараёни, ўзгаришлар ва албатта илоҳанинг қолдиқлари топилган тарихий ёдгорликлар ҳақида маълумот берилади. Анаҳитанинг келиб чиқишига доир тахминлар келтирилган бўлиб, у бошқа қадимги давлатлардаги аёл кўринишидаги илоҳалар билан таққосланади. Мисол учун: Месопатамиядаги Иштар, Мисрдаги Исида, Юнонлардаги Афродита ёки Артемида, араблардаги Лот ва Уззо. Анаҳита ҳам юқорида келтирилган илоҳаларнинг ҳудудга қараб бошқача номланиши бўлиши мумкин деган ғоя илгари сурилади. Муаллифнинг фикрига кўра, бу илоҳалар ҳаммаси турли номдаги битта илоҳа деб тахмин қилинган. Яна бир тахминга кўра эса, бу аслида қадимги Ҳиндистондаги “Сарасвати” илоҳаси бўлиб, Эрон ҳудудига кириб келганидан сўнг, номи ўзгариб “Анаҳита” деб атала бошланган. Саад Абуд Самар шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилади.

Эроннинг қадимги даври қисмларга бўлиниб, Анаҳитанинг ҳар бир даврда жамият ҳаётида тутган ўрни, ривожланиш босқичлари таҳлил қилинади. Ахамонийлар даври, Салавкийлар даври, Сосонийлар даври ўзаро таққосланади. Бироқ Турон ҳудуди ҳақида маълумот келтирилмаган².

Диний йўналишдаги тадқиқотларнинг аксариятида Зардуштийлик дини ва Ислом динини ўзаро таққослашни кузатишимиз мумкин.

Жазоирлик араб тадқиқотчиси Холид Кабир³ ўзининг зардуштийлик дини ҳақида ёзган монграфиясида бу диннинг Эрон давлати тарихида тутган ўрни ҳақида маълумотлар беради.

Тадқиқотда асосий ғоя “Ислом” дини пайдо бўлган даврда, эронлик руҳонийлар “Зардуштийлик” динини ўйлаб топилганлиги ҳақида кетади. Муаллиф бу диннинг қадимий эмаслиги таъкидлайди, монография ҳам “Зардуштийлик – ислом даврида маъжусийлар томонидан ўйлаб топилган дин” деб номланади. Муаллифнинг фикрига кўра, зардуштийлик дини Ислом динидан сўнг пайдо бўлган ва Эрон руҳонийлари ўйлаб топган. Тадқиқотчи асардаги

¹ الإلهة أناهيتا دراسة في التطور التاريخي لعبادتها. أ.د. سعد عبود سمار (Илоҳа Анаҳита. Унга сиғинишнинг тарихий босқичлари). Жазоир. 2018. Б. 42.

² Ўша жойда. 40-42 б.

³ الزرادشتية ديانة ابتدعها المجوس في العصر الإسلامي: خالد كبير عال (Холид Кабир Аълал. “Зардуштийлик – ислом даврида маъжусийлар томонидан ўйлаб топилган дин”. Жазоир. 2019. 145 бет)

фикрлар унинг шахсий фикрлари эканлиги ва имкон қадар мавзуга холис ёндашганлигини кириш қисмида алоҳида таъкидлаб ўтади. Сосонийлар зардуштийлик динидан сиёсий мақсадда фойдаланганликлари ҳақида фикр билдиради. Холид Кабир Зардуштийликдаги тарихий исмлар Ислом динидан кўчирилиб, номи ўзгартирилганлигини, Ислом динига оид баъзи ғоя ва фикрлар ҳам зардуштийликка кўчирилганлигини таъкидлайди.

Холид Кабирнинг рисоласидаги фойдаланилган адабиётларга тўхталадиган бўлсак, унда асосий қисми диний адабиётлар ташкил қилади. Археологик, тарихий ва илмий адабиётлар сони жуда кам.

Ироқлик тадқиқотчи Саад Абуд Самар ҳам Зардуштийлик дини бўйича тадқиқот олиб борган араб олимларидан бири ҳисобланади. У зардуштийлик динидаги илоҳа Анахита ҳақида мақола ёзган¹. Мақолада илоҳа Анахитанинг келиб чиқиш тарихи, унинг кўриниши, унга ибодат қилиш шартлари ва Эрондаги Анахита ибодатхоналари қолдиқларидан топилган археологик топилмалар ҳақида маълумотлар келтирилади. Мақоланинг сўнггида археологик топилмаларнинг расмлари ҳам илова қилинади.

Энг қизиқ жиҳати шундаки, дастлабки муаллиф Холид Кабир Зардуштийлик дини ўрта асрларда яратилгани ҳақида фикр билдирган бўлса, ироқлик олим Саад Абуд Самар илоҳа Анахитани ўрганиш жараёнида унинг келиб чиқишини қадимги даврга (Ахамонийлар давлати) бориб тақайди. Хусусан, Кирмоншоҳдаги деворий расмлар ва археологик топилмаларни далил сифатида келтириб, уларнинг расмларини ҳам ўз мақоласида акс эттиради. Саад Абуд Самарнинг тадқиқоти асосан илмий изланиш ва археологик фактларга асосланган. Фойдаланган адабиётлари ҳам асосан археологик экспедициялар ва илмий конференция материалларидан иборат.

Суриялик араб олими Доктор Манзир Ҳаяк ҳам Зардуштийлик дини ва Авесто китоби ҳақида монография чоп этган². Муаллиф ўз асарининг кириш қисмида асосан тарихий таққослаш ва қиёслаш усули орқали бу тадқиқотни олиб борганига урғу беради. Асар 4 та қисмдан иборат. Ундан кейинги қисмлар эса асосан, маълум бир мавзуларга бағишланган. Мисол учун: Шахмат, Сеистон давлати, ўғил болаларнинг мажбуриятлари каби мавзулар. Асарнинг кириш қисми Зардушт сўзининг келиб чиқиши, турли тилларда (пахлавий, араб, юнон, рим) номланиши ва маъноларига бағишланган. Зардушт яшаган давр ҳақида ҳам турли хил тахминлар келтирилган.

¹ سعد عبود سمار: اللية أنابيتا (Саад Абуд Самар. илоҳа Анахита. Ироқ. Васит / Университет журнали 2018-йил. 3-нашр. 287-328 бб.)

² الدكتور منذر الحايك. كتاب زرادشت المقدس ابستاق (Авесто зардуштийликнинг муқаддас китоби) Дамашқ. 2019. Б – 416.

Зардуштнинг туғилган жойи ҳақида ҳам турли қарашлар келтирилган. Ҳозирги Туркменистон худуди, Озарбайжон, Эроннинг Рай шаҳри, Афғонистоннинг Балх шаҳри каби тахминлар орасидан муаллиф муаллиф Озарбайжонни ҳақиқатга яқинроқ деб ҳисоблайди. Кам сонли араб тарихчилари қатори уни эронлик бўлмаган, балки туркларнинг ўғуз қабиласидан бўлганлиги таъкидланади¹.

Асарнинг кейинги қисмлари асосан таржималардан иборат бўлиб, маълум бир қисмлар ажратиб олинган ва араб тилига таржима қилинган. Ушбу асарда муаллиф бошқа араб тарихчиларидан фарқли равишда Авестанинг кўпроқ тарихий жиҳатларига ва таржимасига эътибор қаратади. Кўплаб араб тарихчиларининг бу дин ва унинг китоби ҳақида гап кетганида “Эрон” худуди билан боғланиш фикрини инкор этади. Айнан шу тадқиқотда Авестанинг ватани Марказий Осиё бўлиши мумкинлиги ёзилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилмаган ва бу асарнинг камчилиги ҳисобланади.

Муаллиф хулосасига кўра, баъзи бир мусулмонлар Зардуштни пайғамбар сифатида билсада, кўпчилиги ундай ҳисобламайди. Асосий масала деб унинг ғояларига ва ислохотларига қарайдиган бўлсак, ўз даври учун бу шахс катта ишни амалга оширган. Ундан ташқари кўплаб дин тарафдорлари жумладан, яхудийлар ўз динларидаги баъзи бир жиҳатларни айнан зардуштийликдан олган бўлиши мумкин. Форслар Бобилни босиб олганда бу ҳолат содир бўлган. Христианлик дини билан эса ўхшаш жиҳатлари деярли учрамайди. Ислом дини билан баъзи бир ҳолатлар мос тушсада, фарқли томонлари анча салмоқлидир².

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, араб давлатларида Туроннинг қадимги даврига оид бошқа мавзулардан фарқли равишда, Зардуштийлик ва “Авеста” ҳақида тадқиқотлар етарли даржада. Олимлар ҳам 3 гуруҳга бўлинади.

1. Бу динни ва унинг муқаддас китобини тан оладиган тадқиқотчилар;
2. Бу динни тан олишмайди, Зардуштни эса пайғамбар эмас деб ҳисоблашади;
3. Мўътадил тоифа. (Зардуштни тан олмасаларда, унинг диний ғояларини тўғри деб ҳисоблашади)

Кейинги масала эса, Авеста китобига бўлган муносабатда фарқланади. Марказий Осиёлик олимлар, авваламбор, бу китоб ҳақида сўз юритишганда унинг тарихий аҳамияти биринчи ўринга қўйишади. Араб давлатларида эса аксинча, китобнинг диний тарафи олдинга чиқади.

¹ Ўша китоб. 10 бет.

² ² الدكتور منذر الحايك. كتاب زرادشت المقدس أباستاق (Авесто зардуштийликнинг муқаддас китоби) Дамашк. 2019. 417 б.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI: (REFERENCES)

1. خالد كبير عالل: في العصر الإسلامي الزرادشتية ديانة ابتدعها المجوس (Холид Кабир Аълал. “Зардуштийлик – ислом даврида маъжусийлар томонидан ўйлаб топилган дин”. Жазоир. 2019.
2. سعد عبود Самар: الإلية أنانيتا (Саад Абуд Самар. илоҳа Анахита. Ироқ. Васит / Университет журнали 2018 йил.
3. أستاذ كتاب زرادشت المقدس. الدكتور منذر الحايك (Авесто зардуштийликнинг муқаддас китоби) Дамашқ. 2019.
4. الدكتور: جمشيد يوسفى . الزرادشتية الديانة والطقوس والتحويلات اللاحقة (Зардуштийлик, унга сиғиниш ва унинг ўзгариб бориш жараёни)
5. فراس السواح الزارادشتية - المانوية اليهودية - المسيحية (Зардуштийлик – яхудийлик – насронийлик. Жидда. 2018.)